

Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш: социал илдизлари, омиллари, манбалари

Ёрқин Туропов
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси

Юртбошимиз Ислом Каримов XXI аср - интеллектуал ёшлар асри, деб таъриф бериб, бу аср кишилари нафақат соғлом, баркамол, етук бўлиб камол топишини, балки ақл, онг, зеҳн, фикрлаш, ҳиссий ва интеллектуал билиш қобилиятига эга мукаммал шахс сифатида ривожланиши лозимлигини таъкидладилар.

«Биз яшаётган XXI аср - интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар»¹.

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, боринги, тақдирини пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илм-фан ривожисиз жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор. Илм-фан, маърифат, ахлоқ, маънавият эса интеллектуал салоҳият мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Инсон идрок этиш, англаш, ижодий тасаввур ва тафаккур орқали бутун борлиқ, ижтимоий ҳаётдаги воқеа, ҳодиса, муносабат, мақсад, манфаат ва эҳтиёжни, яъни объектив заруриятни теран англаб етади, турмуш тарзи, фаолияти, хулқ- одоби, хатти-ҳаракати воситасида уни ҳаётга татбиқ этиш йўллари топишга интилиб, изланиб, курашиб яшайди.

Интеллектуал салоҳиятнинг шаклланишига асос бўлувчи манбалар жамиятдаги таълим-тарбияда эришилган ютуқлар, таълим тизими, илм-фан, илмий тадқиқотлар ва маърифий тарғиботларни ўз ичига олади.

Жаҳон энциклопедияси – «WORLDBOOK»да таълимга қуйидагича таъриф берилган: «Таълим – тўпланган билимлар, кўникмалар, одатлар, кадриятлар ёки муносабатларнинг кишилар томонидан ўзлаштирилиши жараёнидир».² Замонавий таълимнинг мақсад- моҳияти дунёвий билимларни ўқитишни қамраб олади. Илмий билимларнинг маълум бир тизимлари фанларни ташкил этади ва табиат, жамият, инсон, унинг тафаккури тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришда ўқувчи учун манба бўлиб хизмат қилади.

Жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда тарбия ҳам асосий манба ҳисобланади. Таълимдаги тарбия – таълим тизими орқали

¹ Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-том. - Т.: Ўзбекистон, 2010. - Б. 95.

² The world book encyclopedia. 6 volume. - Chicago: A Scott company, 1995. – P. 86.

инсоний хислат, фазилат, одоб-ахлоқни сингдиришдир. Таълим жараёнида ўқитиш орқали фан соҳалари бўйича билим берилиб, назариялар, таълимотлар ўргатилса, тарбияда инсон умри бўйи амал қиладиган интизом, интилувчанлик, мустақил ўқиш-ўрганиш, изланиш, қобилият, нутқ, аждодлар меросига хурмат ва бошқа кўникма ҳамда малакалар шакллантирилади. Президентимиз Ислон Каримов тарбиянинг миллий тараққиётимиздаги аҳамиятини таъкидлаб: «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак»,¹ – деган эдилар.

Юртбошимиз Ислон Каримов таълим тизимини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасаларини куриш ва уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш масаласига эътибор кучайтирилганлигини алоҳида таъкидлаб: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилганлиги ёки капитал реконструкция қилинганини айтиб ўтгандилар².

Барча ўқув масканлари замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, ўқув анжомлари билан қайта жиҳозланди. Улардан унумли ва мақсадли фойдаланиш мақсадида нодавлат тузилма – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида жамғарма ташкил этилди. Унинг ҳисоб рақамига 2010 йилнинг ўзида 315 миллиард сўм, 2011 йилда эса 370 миллиард сўм маблағ ажратилди. Юртимизда кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, олий таълим бакалаврият босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди³.

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаблари ўқув-лаборатория ускуна ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди. 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди⁴.

Минглаб ўқув масканлари мамлакатимизнинг ахборот технологиялари, Интернет тармоқларидан кенг кўламда фойдаланиш борасидаги тараққиёт даражасини кўрсатувчи мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 385.

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.15-16.

³ Ўша жойда.- Б.17.

⁴ Ўша жойда.- Б.16.

Бугунги кунда XXI аср ёшлари учун ўз интеллектуал салоҳиятини, илм-фанга йўналтирилган инновацион ғоя ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кенг йўл очиб бериш, зарур шарт-шароит яратиш сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу мақсадда юртимизда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш юзасидан Президент қарорлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий компоненти шахс ҳисобланади. Шу боис Миллий Дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш учун авваламбор шахснинг манфаат ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилади. Шахснинг ижтимоий манфаат ва ҳаётий эҳтиёжлари асосида таълим-тарбия жараёни мотивацияланади.

Тарбияда шахсни ҳаракатга ундовчи маънавий қувват манбаи бўлган фаолият мотивини тарбияланувчига сингдириш зарурати пайдо бўлади. Фаолият мотиви инсонларнинг фаолиятига асос, сабаб бўлувчи, ҳаётининг муҳим шarti бўлиб, уни ҳаракатга ундаб турувчи фикр ёки ғоядир. Бундай ғоя тарбия орқали таълим тизимида узоқ муддат сингдириб борилса, дастлаб инсонни ҳаракатга ундаши, унинг интилиши, сабр-бардоши, интизоми, ҳаётий кўникма-қоидаларини, кейинчалик характерини шакллантириши мумкин. Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш, ривожлантиришда ҳам ёшларни илм-фан, техника-технология сирларини эгаллашга рағбатлантириб турувчи фикрлар, яъни умуммиллий тарбияда фаолият мотиви бўлиб хизмат қилувчи фикр ва ғояларга зарурат туғилади. Улар фуқароларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ифодалай олиши, шу билан бирга, умумжамият мақсадлари йўлида алоҳида шахсни сафарбар этувчи, рағбатлантирувчи вазифани ўташи керак. Бизнингча, бундай фаолият мотиви бўла оладиган фикр ва ғояларни: а) илм-фанга интилишни рағбатлантирувчи, шахс маънавиятини юксалтиришга ундовчи; б) меҳнатни улуғловчи, шахсда меҳнат қийинчиликларини қатъият билан енгиб ўтишни, меҳнатсеварликни, интизомни тарбияловчи; в) техника-технологияларни ўзлаштириш, уларни яратишга фаол ҳаракатни тарбиялашга хизмат қилувчи йўналишларда тайёрлаб, умуммиллий даражада таълим тизимида киритиш зарур.

Жамият интеллектуал салоҳиятининг ривожланиши илмий билимларнинг яратилиши ҳамда фан ютуқларининг таълим тизими орқали ёки ишлаб чиқаришда жамиятга трансформациялаштирилиши билан боғлиқ. Шунинг учун илмий билимлар шахс интеллектуал салоҳиятининг шаклланишидаги муҳим манба ҳисобланади.

Илмий билимларнинг оммалаштирилиши йўлидаги маърифий тарғибот ҳам жамият интеллектуал салоҳиятини шакллантирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Бу илмий ва оммабоп газета, журналлар, интернет алоқалари, радио ва телевидениедаги интеллектуал ўйинлар, илмий, сиёсий, иқтисодий эшиттириш ҳамда кўрсатувлар воситасида амалга оширилади. «...Маърифат (интеллектуал тарғибот) халқни мактаб, институт-университетдан кейин ҳам узлуксиз ўз устида ишлашига, замонавий билимлардан хабардор бўлиб

боришига хизмат қилади. Инчунун, билимли жамиятгина кучли жамият бўла олади».¹

Кадрларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ шахсий тажрибаси ҳам маълум маънода жамият интеллектуал салоҳиятининг ошишига олиб келади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига юз тутиб, глобаллашув жараёнларида иштирок этиши туфайли мамлакатимизга кириб келаётган янги техника-технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ва кадрларнинг улардан фойдаланиши давомида бунга амин бўлмоқдамиз.

Шахс интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга маълум бир омиллар, яъни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳам таъсир этади. Шахс интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришда давлат сиёсий бошқаруви, яъни сиёсий омил, тарихий мерос ва тажриба омили, ижтимоий-руҳий омил, ишлаб чиқариш муносабатлари, усул ва воситалари, фан билан ишлаб чиқариш муносабатларининг етарли даражада шаклланиши ва мустаҳкамлиги, глобаллашув ва бошқа омиллар муҳим ижобий роль ўйнайди. Лекин **шахс миқёсида** бефарқлик, янгиликлардан кўрқиб, маъсулиятсизлик, билимсизлик, маънавий қашшоқлик, мутаассиблик, ақидапарастлик, маънавий дангасалик, ироданинг бўшлиги, мақсадсизлик, **жамият миқёсида** эса маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, миллатчилик, коррупция, порахўрлик, номенклатура кабилар бу жараёнга салбий таъсир этувчи омиллар сифатида намоён бўлади.

Шахс интеллектуал салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, шубҳасиз, давлатнинг таълим соҳасидаги, жамият маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳасидаги сиёсати ва ишлаб чиқариш омилларининг аҳамияти каттадир.

Шахснинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда илмий педагогик кадрлар фаолияти, ишлаб чиқаришнинг таълим тизими ва илмий муассасалар билан интеграцияси, олимлар томонидан амалга оширилган кашфиётлар, янгиликлар ва бошқа бир қатор йўналишларнинг самараси давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга бевосита боғлиқ. Чунки давлат улар билан боғлиқ бўлган стратегик йўналишни белгилайди, ўз сиёсати ва фаолияти билан уларни уюштириб, ташкил қилиб боради.

Шахс интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни таъминловчи, унга кўмак берувчи ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ғоявий соҳаларда давлат сиёсий бошқарувида қўлланиладиган усул, восита ва имкониятлар давлат сиёсати омилини ўзида мужассамлаштиради. Бу давлатнинг сиёсий бошқарув мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Шахс интеллектуал салоҳиятининг шаклланишига давлат сиёсати соҳалари бевосита ва билвосита таъсир этиши мумкин. Бевосита таъсир этувчи давлат сиёсати соҳаларига таълим сиёсати, кадрлар сиёсати, фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кабилар киради. Ўзбекистонда

¹ Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 19-20.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши, янги институт ва университетларнинг ташкил қилинаётгани бу борадаги ишларга Ўзбекистон давлатининг алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Шахснинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга билвосита таъсир этувчи давлат сиёсати соҳаларига иқтисодий, ижтимоий ҳимоя, мафкуравий тарғибот ва коррупцияга қарши кураш фаолиятлари киради. Давлатнинг бу соҳалардаги сиёсати тайёрланаётган кадрларнинг сифатини оширишга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга, малакали мутахассис бўлиб етишишга интилишининг ошишига ёрдам беради. Шунинг учун иқтисодий соҳада маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакат ички бозорини маҳаллий товарлар билан тўлдириш, кўшни давлатлар бозорларини эгаллашга интилиш, шу йўл билан тайёрланаётган кадрларни етарли иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг мамлакат қудратига ишончини оширишнинг муҳим имконияти ҳисобланади. Мафкуравий соҳада эса тайёрланаётган кадрларнинг сифатини ошириш усул ва воситаларидан фойдаланиш билан бирга, «моддий фаровонликнинг асоси ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир», – деган ғояни иқтисодий ғояларнинг энг асосийларидан бири сифатида амалиётга татбиқ қилиш кутилган самарани беради, тайёрланаётган кадрларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб этади.

Жамият тараққиётида шахс интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши ва ривожланиши ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳият муносабатларига, уларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиш тенденцияларига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш – кадрлар сифатини яхшилашнинг белгиловчи омилларидан бири. Чунки кадрларнинг малакаси, кўникмаси ва қобилияти ишлаб чиқариш жараёнида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради»,¹ – деб кўрсатилган. Ишлаб чиқаришга узлуксиз янги техника-технологиялар жорий этилиши ва унинг ривожланиши малакали кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юрти ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқада бўлишини талаб қилади. Дарҳақиқат: «Жамиятнинг моддий-техник базаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг таркибий элементи бўлиб, уларнинг бошқа бир элементига – юмушчига, унинг маданий камолотига, интеллектуал ва иродавий сифатларига муайян талаблар қўяди».² Шунинг учун даврдан, тараққиётдан орқада қолмаслик зарурияти олий ўқув юрти ёки касб-ҳунар коллежларида профессор-ўқитувчилар ва уларда таълим олаётган талабалар

¹ Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 3 боб 5 параграф. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 42.

² Философия луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – Б. 156.

мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқариш билан алоқаларни мустаҳкамлаш эҳтиёжи кучаймоқда. Бир томондан, бу янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни билдирса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш талаб-эҳтиёжларини ўрганиш заруратидан келиб чиқади. Ушбу вазифани тўла бажарилишини таъминлаш олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ишлаб чиқариш ва кадрлар тайёрлаш тизими бир-бирига тўғридан тўғри ва тескари таъсир кўрсатади. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тайёрланган кадрлар сифатига боғлиқ бўлишини, иккинчидан, ишлаб чиқариш қай даражада ривожланганлиги кадрлар тайёрлашга белгиловчи таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳозирги глобаллашув жараёнлари ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Глобаллашув жараёнида алоҳида давлатлар эмас, балки, минтақалар ўзаро рақобатга киришади, бундай шароитда Ўзбекистон ҳам минтақанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фаол ташқи иқтисодий ва кадрлар сиёсатини олиб бориши, жаҳонда яратилаётган янгиликларни минтақадаги бошқа давлатлардан илгарироқ ўзлаштириш ва амалиётга жорий қилишга эришиши зарур. Минтақадаги ташқи сиёсатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноат товарларини экспорт қилиш ва минтақа давлатларига кадрлар тайёрлаш хизматини ташкил этишга эътиборни кучайтириш катта амалий аҳамиятга эга. Ўз навбатида, бу минтақа давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини оширади.

Ўзбекистонда ўтиш даври шароитида шахс интеллектуал салоҳиятни мустаҳкамлаш ўтиш даврида кадрлар тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари, мамлакатимизда фан, техника ва технологиялар ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда интеллектуал салоҳиятнинг ўрни, муаммолари ва ечимларини топиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон учун ўтиш даври қийинчиликларини қисқа вақтларда имкон қадар камчиликларсиз босиб ўтиш зарурати турибди. Бунда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш билан боғлиқ қатор имкониятлар мавжуд. Булар таълим тизими ислоҳ қилиниб, замон талабларига мос кадрлар тайёрлашга ўтилгани, тараққиётнинг юқори босқичларига кўтарилаётган мамлакатларнинг тажрибалари, халқимизнинг фан, техника, технология, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларни ривожлантиришда ақл-заковати жиҳатидан катта салоҳиятга эгаллиги ҳамда меҳнатсеварлиги, аждодларимиздан қолган ҳаётий тажриба, маънавий мерос, сиёсий барқарорлик ва фуқароларнинг аҳиллигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги муаммоларни ҳал этишда муҳим омиллардир. Бундай омиллар ўтиш даврида кадрларни янги шароитларда ишлай олиш қобилиятини ошириш, уларни янги шароитларга мослаштириш, кадрлардан самарали фойдаланиш имкониятларини яратиб беради.

Жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга ижобий таъсир этувчи омиллар билан бирга салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд. Уларга коррупция ва порахўрлик, қариндош-уруғчилик, кадрлар

тайёрлашда ва уларни жой-жойига қўйишдаги юзага келиши мумкин бўлган адолатсизлик каби иллатлар киради. Бу ҳолатлар тайёрланаётган кадрлар сифатига салбий таъсир этади, сифатсиз кадрларнинг тайёрланиши мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига тўсиқ бўлади, охир-оқибат мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қудратига салбий таъсир этади. Шунинг учун Президент Ислон Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ биринчи сессиясида шундай деган эди: «Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ турибдики, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи – бюрократия, таъмагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик. Ўсиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир».¹

Коррупция атамаси ўз маъно-моҳияти жиҳатидан порахўрлик, ўз лавозимини суистеъмол қилиш, лавозимидан фойдаланиб давлат мулкани талон-тарож қилиш, лавозимидан фойдаланилган ҳолда қариндош уруғларига, таниш билишларига давлат ҳисобидан ёрдам бериш каби ҳолатларни ҳам қамраб олади. Коррупциянинг таълим тизимида, кадрлар тайёрлаш жараёнларида илдиз отиши мамлакатимизнинг бугунги кунигина эмас, балки келажаги учун ҳам таҳдиддир.

Ўтиш даврида таълим тизимида коррупция ва порахўрликнинг ривожланиши қуйидаги хусусиятлар билан намоён бўлмоқда:

Биринчидан, Ўзбекистон ҳудудида коррупциянинг бугунги кўринишдаги шаклланиши собиқ совет даврига бориб тақалади. Бундан асосий мақсад республикани нисбатан қоқоқликда сақлаш йўли билан марказга тобелигини кучайтириш, совет мустамлакачилигини мустаҳкамлаш бўлган эди.

Иккинчидан, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги коррупциянинг ривожланишига омилларнинг яна бири бу соҳада баъзи мансабдор шахсларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўяётганлигидир.

Учинчидан, фақат дипломга эга бўлиш учун олий ўқув юртига ёки ўрта махсус билим юртига кираётган талабаларнинг кам бўлса-да, мавжудлиги. Булар, ўз навбатида, қуйидагилар билан боғлиқ: а) ишлаб чиқаришда баъзан билим даражасининг ҳисобга олинмаслиги ёки ўз мутахассислигидан бошқа соҳада ишлаш имкониятининг мавжудлиги; б) баъзан умумтаълим мактабларида қатъий тартибда ўқитилмаётгани, уларни битказган ёшларнинг баъзилари турли йўллар билан олий ва ўрта махсус билим юртларига кираётгани; в) баъзи олий ўқув юрти ёки ўрта махсус билим юртларида интеллектуал даражани оширишга қўйилаётган бугунги талабнинг етарли даражада шакллантирилмагани кабилар билан боғлиқ.

Тўртинчидан, ўтиш даврида ахлоқий меъёрларнинг бузилиши натижасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган баъзи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 37.

кадрлар орасида «ўз мансабидан фойдаланиш дастлабки капитал жамғаришнинг ягона йўли», – деган тушунчанинг мавжудлиги. Ҳатто, баъзан оддий одамлар орасида таъмагирлик ва порахўрликни ривожланган давлатларда ҳам одатий ҳол деб тушунтиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Албатта, бу салбий ҳолатлар бозор муносабатларига ўтиш шароитида, то барқарор тараққиётга кўтарилгунча учраши мумкин бўлган умумий қонуният ҳисобланади. Аммо улар ўз вақтида бартараф этилмас экан, бу кейинчалик тузатиб бўлмайдиган умумий жараён даражасига кўтарилиш хавфи юзага келади.

Коррупцияга қарши курашда унинг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш; интеллектуал салоҳиятни шакллантирувчи асосий база бўлган таълим тизими ва унда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш; коррупцияга қарши курашнинг ғоявий-тарбиявий усулларини кучайтириш; оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш ва бошқа шу каби чора-тадбирларни қўллаш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

Уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик иллатларини бартараф қилиш учун қатор усул ва тадбирларни қўллаш зарурки, булар мамлакат меҳнат бозорида ишчи кучининг эркин ҳаракатига шароит яратиш; бюджет ҳисобидан ўқиган битирувчиларни мамлакатнинг мутахассис етишмаётган ҳудудларига давлат тақсимоти бўйича ишга жўнатиш; оммавий ахборот воситалари орқали умумдавлат, умуммиллий манфаатлар йўлида коррупция, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик иллатларига қарши курашиш заруриятини жамият онгига сингдириш; ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш давомида талабаларга миллий жипслашиш ғояларини сингдириб бориш; тарих дарсларида эса этник айирмачилик, уруғ-аймоқчилик туфайли турли тарихий шароитларда турли мамлакатлар хорижий босқинчилар ҳужумига қарши тура олмаганликлари ҳақидаги аниқ маълумотларни мисол тариқасида бериш кабиларнинг аҳамияти катта.

Шу билан биргаликда таълим тизимидаги коррупция, қариндош уруғчиликнинг ривожланишига иқтисодий соҳадаги ва сиёсий ҳокимиятдаги шу турдаги жиноятларнинг содир этилиши ҳам таъсир этади. Асосий мақсад малакали кадрлар тайёрлаб, мамлакатни ривожлантириш ҳисобланар экан, бу соҳага салбий таъсир этувчи барча ҳолатларга қарши курашни умуммиллий вазифа даражасига кўтаришга эришишимиз лозим.

Шахс интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш - маънавий-ахлоқий камолот билан узвий боғлиқ сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онг, тафаккурни шакллантириш, таълим-тарбия услуби ва механизмларини давр талабига монанд такомиллаштирибгина қолмай, балки бу вазифаларни ислохотлар мақсадларидан келиб чиқиб, самарали амалга ошириш учун давлат институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, партиялар ва турли ҳаракат ва жамоат бирлашмалари фаолиятини ҳамкорлик томон йўналтириш даркор.

